

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон
манфаатлари йили

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Оҳангаронлик Дилшод Тўлқинов тумандаги транспорт-сервис касб-хунар коллежини тамомлаган. Тадбиркор бўлиш унинг энг катта орзуларидан. Ўзи яшаётган жойда аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси очмоқчи. Бунга яраша ер ҳам танланган, маблағ манбаалари ҳам маълум, фақат ҳужжатларни тўғрилаб, ерни қонуний ажратишга келганда...

"Ҳужжатларимни тегишли комиссияга топширганимга саккиз ой бўлди, ҳали ҳам бирор тайинли жавоб ололмадим", деб ёзади тадбиркорликка иштиёқманд йигит Президентимизнинг виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаатида.

ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларимиз томонидан ўртага қўйилган муаммоларни жойида қўриб чиқиш ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этишдан иборатдир. Тегисли ҳудудлар ҳокимлари, республика вазирликлари ва идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

либ қолди. Уни қисқартириш баҳонасида ишдан четлаштириш бўлган раҳбарлар коллеж битирувчиси билан тузилган шартнома шартларини унуттиди, гўё. Маданиятнинг мурожаати шу куннинг ўзидаёқ ечим топди – ишга тикланди.

– Мулоқотларда 80-85 фоиз масалалар жойида ҳал этилаётгани уларнинг самарали бўлаётганидан далолатдир, – дейди вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев. – Афсуски, баъзи ҳудудларимизда, айрим йўналишлар бўйича виртуал қабулхонага йўлланаётган шикоятлар кўпайишининг ўзак илдизи одамлар дардига бепасанд, лоқайд муносабат, мурожаатчининг ташвиш ва муаммоларини дилдан ҳис қилмасликдир. Қўриб, туюқчи бўлаётган, аслида уларнинг кўпчилиги ҳудудий раҳбарларнинг ваколати доирасида ҳал бўлиши мумкин бўлган масалалардир.

Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида ўтказилган мулоқотдан ҳам одамлар ички қониқчи билан қайтишди. Бу ерда Олмалиқ шаҳридан 53, Пискент туманидан 29 мурожаат атрофича ўрганилди.

Пискентлик Наима Зиёевани мерос масаласига доир суд ажрими қаноатлангирмапти. Эмиши, суд бир томоннинг фикрига суянбди. Унинг ва яқин қариндошларининг далили ва истаклари инобатга олинмабди. Аёл шундан норози.

Бу масалага ечим топиш бироз мураккаб бўлди. Чунки, ажримни таҳлил қилган мутахассислар ундан но-тўғри талқин ёки шубҳали жихатни топишмади.

Вилоят ҳокими маскур мурожаатдан хабар топгач, алоқадор ташкилот раҳбарларига аниқ топшириқ бераркан, тадбиркор бўламан деб юрган йигитга қарата "Қўл телефонини ёзиб ол, агар ишинг ҳал бўлмаса, шахсан кўнги-роқ қилиб менга айтсан", деди.

Дилшодбойнинг қувонганини бир кўрсангиз эди...

Шу ва шу каби мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижтимоий ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Ангрэн шаҳрида ўтказилган очик мулоқот тарзидаги ҳудудий сайёр қабулларда батафсил қўриб, муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бундай сайёр қабуллардан кўзланган асосий мақсад – аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

чи органлар, вилоятдаги мутасадди бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мулоқотларда Оҳангарон ва Ангрэн шаҳридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига шикоят ва аризалар билан мурожаат этган фуқаролар иштирок этиб, ўзларини қийнаб келатган турли муаммо ва масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бевосита юзланиш имконига эга бўлдилар. Кун давомида 94 фуқаро билан бирма-бир гаплашиб, масаласи қўриб чиқилди.

Қорахитойлик Мадинахон Адхамова 2014 йил Нуробод энергетика касб-хунар коллежини тамомлаб, уч тамонлама шартнома асосида "Янги Ангрэн ИЭС"га ишга қабул қилинган эди. Ўз иши ўзига жуда ёқибди Мадинахон кутилмаганда ишдан айри-

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕКОБОД ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда маъруза қилган вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев туманнинг вилоятимизда муносиб ўрни борлигини, хусусан, вилоятнинг аграр соҳалари равиолида Бекобод етакчи салоҳиятга эга эканини таъкидлади. Вилоятда етиштирилаётган жами галланинг 11, пахтанинг 16 фоизи айнан шу туман ҳиссасига тўғри келиши ҳам бунинг тасдиғидир.

Этиборлиси, кейинги пайтларда туманнинг ижтимоий-иқтисодий равиолида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланапти. Йилнинг дастлабки чорагида туманда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши таъминланди. Туман аҳоли ва меҳнатқашларидан ижтимоий-иқтисодий дастурларни рўйга оширишда дахлдорлик, масъулият ва ташаббускорлик руҳи сезилмоқда.

Шу билан бирга, туманда раҳбарлар ва фаоллар этибор қаратиши лозим бўлган қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам мавжуд эканини қайд этди вилоят ҳокими. Жумладан, саноат, тадбиркорлик, экспорт масалаларида ҳали ишга солинмаётган имкониятлар талай. Ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Холматов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Бекобод тумани ҳокими вазифасидан озод этилди.

Сессия Тўрбон Икромович Жўраевни Бекобод тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

Туризм

Тошкент шаҳрида V халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Маскур анжуман сайёҳлик саноатида янги йўналишлар, замонавий технологиялар ва замон талабларига мос равишда ишлаш усулларини намоён қилиш имконини берди. Бу йилги анжуманда 30 дан зиёд давлатнинг 50 дан ортиқ йирик компаниялари қатнашди.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Маскур кўргазмада вилоятимиз вакиллари ҳам иштирок этди. Улардан бири "Зангиота Зам Зам" даволаш-соғломлаштириш ширкати раҳбари.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдо алоқаларининг самарадорлигини янада ошириш, ташқи савдони либераллаштириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда рақобатдош маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш тизимини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан хорижий шериклар ўртасида савдо соҳасида узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ваколатли давлат органи бўлиб, ташқи савдо соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади ҳамда ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий ҳаракатга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо муносабатлари қисмида унинг мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро мажбуриятлари ва шартномалари бўйича

ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш, ташқи бозорлардаги талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кучайтириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва хилларини тизимли асосда таҳлил қилиш, ташқи бозорларда унинг рақобатдошлиги даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш, сотиш бозорларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишончли хорижий савдо шерикларини излаш ва таллашда ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, маҳаллий корхо-

наларнинг тендер савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркаларида ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган бошқа шундай тадбирларда иштирок этишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибининг чуқур таҳлил қилиш, маҳаллий хомашё негизда импорт ўрнини босадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича концепция ва дастурлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

ташқи савдо асосий кўрсаткичлари параметрларини шакллантиришда ва Ўзбекистон Республикасининг божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этиш, ташқи савдони либераллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

товарлар (ишлар ва хизматлар), шу жумладан, ўзига хос товарлар ва саноат маҳсулотлари ташқи савдо, шунингдек, ташқи савдода тариф ва нотариф бошқаруви чораларини қўллаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш чораларини амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан, транзит салоҳиятини, логистика ва транспорт йўлакларини ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Давоми 2-бетда. ➡

ЎН БЕШ ЁШИДА УРУШГА ОТЛАНГАН ОТАХОН

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик



Зангиота туманининг "Гулбоғ" маҳалласида яшовчи Ҳомид Йўлчиев 1942 йили, ўша пайтларда Янгийўл туманига қарашли бўлган 3-мактабнинг 8-синфини тамомлайди. Орадан икки ой ўтиб, таъбир жойи бўлса, беғубор болалик ҳали тарк этмаган бу ўсмирга урушга қақирув қоғози келади...

Хотин-қизлар кўмиталарида

Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамхўрлиги туфайли уларнинг корхона ва ташкилотлардаги, оила ва маҳалла ҳаётидаги роли ортиб бормоқда. Зеро, миллий қадрият, урф-одатларимиз акс этадиган ҳар қандай тадбирларда хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда.

МАСЛАҲАТЛИ ТҶҲ ТАРҚАМАС

Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг Пискент туманида "Кенгашиб тўй қилайлик" мавзусида ўтказган амалий семинари тўй-ҳашамлар, оилавий тантана ва маросимларни тартибга солиш, ихчамлаштириш мақсадида ташкил этилди. Унда тумандаги барча маҳалла раислари, маслаҳатчилари, яраштира комиссияси аъзолари, диний идора вакиллари иштирок этиб, мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

ҚАЙНОНАЛАР ОНА, КЕЛИНЛАР ҚИЗ БЎЛСА...

Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, оилавий ажримлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси доирасидаги тадбирлардан бири Бука туманида бўлиб ўтди. Унда ёш оилалар, қайнона ва келинлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Маълумки, оила муҳити аввал ота-онага, кейинчалик келин тушириб, қайноналик мақомига эришган онахону келинлик одобини сеп қилиб келган қизгинага боғлиқ бўлади. Бу ўринда ота-ўғилларнинг масъулиятини унутмаган ҳолда, кўпроқ аёлларнинг инсоний фазилатлари, донолиги билан соғлом муҳит яратилиб, хонадон обод бўлишини таъкидлар экан, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева ибратли хонадон соҳибалари, хусусан, қайнона ва келинларни рағбатлантириш мақсадида эсдалик совғаларини топширди.

Сайёра РИХСНОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Шундай бўлса ҳам, Наима Зиёеванинг сазоси ўлмади. Белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур иш кейинги босқичда Пискентнинг ўзида, сайёр шаклда, барча қариндош-уруғ ва маҳалла-қўй иштирокида қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

◀ Бошлонили 1-бетда.



ИШОНЧ КЎПРИГИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иш бошлаган Халқ қабулхоналари инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашнинг таянч нуқтаси, ҳокимият органлари ва халқ ўртасида ишонч кўприги бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳоли муаммоларини эшитиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ариза, шикоят ва тақлифларни ўрганиб, ечим топиш мақсадида жойларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари томонидан фуқаролар мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонун доирасида ҳал этилмоқда.

– Чиноз туманида Халқ қабулхонаси жорий йилнинг 23 мартдан ўз фаолиятини бошлади. Ўтган қисқа давр мобайнида фуқароларимиздан 60 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг аксарияти ўз вақтида ижобий ҳал этилди, – дейди туман Халқ қабулхонаси му-

Умуман, сайёр қабуллар давомида уй-жой таъминоти, суд-ҳуқуқ масалалари, кредит, бандлик, коммунал хизматлар, тadbиркорлик, моддий ёрдам, бепул иختисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича аҳолидан тушган кўплаб ана шундай мурожаатлар атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқотларда мурожаатларнинг аксарият қисми шу жойнинг ўзида ечимини топиб, қолганларини аниқ муддатларда ижобий бартараф этиш бўйича туман, шаҳар ва вилоят мутасадди идора ва ташкилотларга тегишли кўрсатмалар берилди ва ижроси назоратга олинди.

Худди шундай самимий мулоқот ва сайёр қабуллар Бекобод шаҳрида туман ва шаҳар аҳолиси вакиллари ҳузурида ҳам ўтказилди.

Сайёр қабулларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худойберганов иштирок этди.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Нодирбек ТОХИРОВ
олган суратлар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги, самарали тизimini ташкил этиш Халқ қабулхоналарининг асосий вазифасига айланган. Халқ қабулхонасига фуқаролар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар кун соат 8-00 дан 17-00 га қадар мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, уларга ўзларини қўйиб қўйган масалалар ва тақлифларни 59-31-000 телефон рақами орқали ҳам баён этишлари учун имконият яратилган.

Сурайё АҲМЕДОВА,
Чиноз тумани.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистондаги бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор ипак қурти озуқа базасини жадал ривожлантириш, боқиш ва сифатли пилла тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

ЎЗБЕК ИПАГИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД



Вилоят "Пилла" маъсулияти чекланган жамияти ташаббуси билан Окқўрғон туманида ташкил этилган семинарда шу ва соҳага тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳусусида сўз юритилди. Қишлоқ ва сув ҳўжаллиги вазирлиги мутахассислари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар йўл ва ариқ-зовурлар бўйларига тут қўчатлари екиш, жойлар-

да эҳтиёжга қараб, тут плантацияларини ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифаси эканини таъкидладилар.

– Тармок ҳодимларига давлат томонидан солиқ бўйича қатор имтиёз ва преференциялар берилмоқда, – дейди Окқўрғон тумани "Росгrentex" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Абдусаммад Сайдахмедов. – Ипак қурти уруғи ҳамда пилла етиштириш, шунингдек, пиллани тайёрловчи ва бирламчи қайта ишлаш билан шўғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар 2023 йил 1 январгача бир қатор солиқ тўловларидан озод қилинадилар.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ПИЛЛАКОРЛАР
УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Янгийўл туманилик пиллакорлар бу йил 2 минг 710 қўти ипак қурти парваришлаб, давлат қабул пунктларига 140 тонна сара пилла ҳосилини етиштириб бериш маррасини қўзлашмоқда. Президентимизнинг шу йил 29 мартдаги "Ўзбекистондаги бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори туман пиллакорларига рағбат бағишламоқда.

Ушбу қарор республикада пиллачиликнинг озуқа базасини жадал ривожлантириш, ипак қуртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини узлуksиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак қалава ишлаб чиқариш ва уларни чўқур қайта ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш, ипакдан маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишда асосий дастуриламал вазифасини ўтайди.

Юртбошимизнинг ушбу қарориди пиллакорларга мах-

сус имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришга алоҳида урғу берилгани ҳам соҳа ривожига хизмат қилади.

– Туман ҳокимлиги қошида тузилган махсус комиссия аъзолари қишлоқ ва қўрғонларда бўлиб, Президентимизнинг ушбу қарори моҳиятини аҳолига етказиш борасида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди, – деди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Замира Алимова. – Қолаверса, туманимизда пилла етиштириш мавсумига пулла ҳозирлик қўрилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Хушида НАЗАРОВА.

Семинар

Зангиота тумани ҳокимлигида Исроилдан келган ишбилармонлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

"NAAN DAN JAIN" компаниясининг Европа минтақавий вакиллари иштирокида ўтган семинарда туманда қишлоқ ҳўжалик соҳасини янада ривожлантириш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда сўғориш тизimini такомиллаштириш масалалари бўйича фикрлашиб олинди.

Семинарда томчилатиб сўғориш ишларини кенг ривожлантириш,

сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишнинг муҳим ва фойдали жиҳатларига асосий эътибор қаратилди.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган семинарда исроиллик ишбилармонлар фермерлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, ўз технологияларини ишлаб чиқаришга қиритишга тайёрлигини билдирди.

Хуррият МЎМИНОВА.

қўшган тadbиркор" номинацияси ғолиби бўлди.

Тижорат банклари ҳодимларининг юрдошларимиз ҳонадонларига келиб, уларни

томонидан ушбу фаолият турларининг намунавий бизнес-режалари тақдим этилаётган.

Кўргазмада кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик

БАНК МИЖОЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

"Ўзқўргазмасавдо" марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари "BankEXPO – 2017" X миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма

тadbиркорликка жалб қилиш юзасидан бевосита мулоқотлар ўтказишни йўлга қўйгани ўз самарасини бермоқда. Учрашувлар мобайнида юрдошларимизга қорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, мева-сабзавот етиштириш, иссиқхоналар ташкил қилиш сингари йўналишларда кредит ажратиш тизimini содда-лаштирилгани, имтиёзлар жорий этилгани маълум қилинмоқда. Банк ҳодимлари



субъектлари, тadbиркор аёллар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига банк хизматлари ҳақида маълумот ва тавсиялар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тadbир давомида тижорат

банклари томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, иш-

– "Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа" танлови ғолиби бўлди, – дейди "Эффект консалтинг" МЧЖ менежери, Тошкент давлат аграр университети тўртинчи курс талабаси Нуристон Садаев. – Дастурий таъминот, консалтинг хизматлари соҳасида уч йилдан бери фаолият кўрсатаётган кичик корхонамизга кўрсатилган бундай рағбат биздан янада маъсулият билан ишлашни талаб этади.

Кўргазма доирасида тижорат банклари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари билан тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, соҳага тadbир қилинаётган имтиёз ва преференциялар, тadbиркорликнинг янги турларига бағишланган давра суҳбатлари, семинарлар, тақдиротлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Хурият ТУРСУНБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ТАРФИБОТ – МУҲИМ МЕЗОН

Вилоятимиз шаҳар-туманларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни муносабати билан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оҳангарон тумани соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспекторлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимлик вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўзини ўзи бошқариш органлари, имомхатиблар билан ҳамкорликда 9 та маҳалла, 1 та корхона, 3

Оҳангарон тумани Убайд қишлоғида яшовчи Умида Қудратованинг ҳонадонига 2 нафар никобланган шахс босиб кириб, ҳонадон эгасини уриб, тан жароҳати етказишган ва 600.000 сўм пули, 2 донна уяли телефони олиб кетишган. Бу воқеа бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Худудда ўтказилган профилактика бўйича учрашув ва тadbирларда мазкур жиноят иши муҳокама қилинди.

Худди шу туманининг "Барлик" маҳалласидидаги қўп қаватли уйлар ва яқна тартибдаги

хусусий ҳонадонларни техник қўриқлов пултига улаш ҳамда турар ва нотурар жой объектларига видео кузатув мослашлари ўрнатилган афзалликлар тўғрисида техника воситаларини намойиш этган ҳолда тарфибот-ташвиқот давом этмоқда.

Тadbирлар давомида Оҳангарон тумани худудида воқеа етмаганлар томонидан содир этилган майда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича муҳокама этилмоқда.

Тadbирда нафақат воқеа

етмаганлар иштирокидаги, балки ҳар қандай бошқа турдаги жиноятларнинг содир этилиши ҳаётимизга қордоғ бўлиб тушиши, бу каби иллатларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ўқув муассасалари, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этаётгани, бундан тўғрисида ҳар бир ҳуқуқбузарликка жамоатчилик ўзининг ҳаққоний баҳосини бериб бориш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИТАШҚИ САВДО СОҲАСИДА БОШҚАРУВ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича ило-вага мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия (А. Ж. Раматов) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бўшаётган ҳодимларини иш билан таъминлашга кўмаклашсин.

6. Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

◀ Бошлонили 1-бетда.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 апрель

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ЁШЛАР

Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўнара коллежида "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ёшларнинг роли" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.



Бўстонлик тумани ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармаси, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда республикамиздаги таниқли олим ва мутахассислар, туманда фаолият кўрсатиб келаётган барча касб-хўнара коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда муассасаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёш ҳодимлар иштирок этди.

Айни пайтда жойларда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ижросининг ҳаётимиздаги аҳамиятини кенг тарғиб

этиш, хусусан, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги С. Фуломовнинг "Илм-фан ютуқлари: Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим омилдир", Ўзбекистон Республикаси Иқтисод вазирлиги бўлими бошлиғи, профессор Р. Муродовнинг "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда кичик бизнес ва тadbиркорликнинг аҳамияти", Тошкент давлат аграр универ-

ситетининг кафедра мудири, профессор, М. Саидовнинг "Касб-хўнара коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар билан уларнинг ечимлари" номли маърузаларини диққат билан тингладилар.

Эркин мулоқот шаклида ташкил этилган семинар давомида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассис ва олимлардан атрофлича жавоб олди.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА.

Айтишларча, шу куни бундан хабар топган Норбуви ая қозони кайта-кайта ўқиган, бунга ишониб-ишонмас, ҳеч нарсадан беҳабар, ҳозиргина кўчадан ўйнаб келган ўлини бағрига босиб юм-юм йиллаган экан. Турмуш ўртоғининг вафот этганига кўп вақт ўтмай туриб эндигина 15 ёшга тўлган ёлғиз ўлини урушга кузатиш ҳар қандай аёл, она учун оғир, албатта. Шундай бўлса-да, ҳарбий комиссариатнинг бу каби қутилмаган қарорларини ҳеч ким бекор қилолмасди.

— Онам нима учун бунчалик куйиб-пишиб кўз-ёш тўкаётганини билгач, ҳайрон қолганман, тўғриси айтсам, бироз кўркканман, — дейди Ҳомид бобо. — Наҳотки... Кейин билсам, қишлоғимизда яшовчи тенгдошларимнинг 5-6 нафари ҳам қаҳирав қозони олган экан. Тақдирга

◀ Бошлангич 1-бета.

тан беришга мажбур бўлганмиз. Қисқаси, кечагидек эсимда: 1942 йилнинг сентябрь ойида, пойтахтимизнинг "Бешёғоч" маҳалласидаги эски (кейинчалик бузиб ташланган) масжид ёнидан урушга отланганмиз.

ЎН БЕШ ЁШИДА УРУШГА ОТЛАНГАН ОТАХОН

Хуллас, Туркменистондаги ҳарбий базада олти ой снайперликка ўқиган Ҳ. Йўлчиев каби бир гуруҳ ўзбекистонлик ўғлонлар 1943 йили Ленинград фронтига ташланади. Икки-икки ярим йил дахшатли уруш жангоҳларида жон олиб, жон берган, бир бурда нонга зор кунларни, турли азоб-уқубатларни бошидан кечирган қаҳрамонимиз 1949 йилгача ҳарбий хизматда қолиб кетади. Уша йили уйига қайтган Ҳ. Йўлчиев Ҳикоят исми қизга

ди. Бугун отахон ўғил-қизлари, қирқдан зиёд невара, чевара ва эваралари даврасида кексалик гаштини сурмоқда.

Қўпни кўрган Ҳомид бобо хонадонидан одам аримайди. Фарзандлари, қўни-қўшилари, маҳалла ахли, камолотчилар, "Маҳалла" жамоат фонди, туман ҳокимлиги вакиллари у кишининг ҳолидан доимо хабар олиб, совға-саломлар улашиб туради. Отахон уларга ўзининг фойдали маслаҳатларини бериб, йўл-йўриқлар

кўрсатишдан чарчамайди. Зеро, қари билганини пари билмас, дейдилар.

Юртимизда кекса авлод вакилларининг ҳурматини жойига қўйиш, саломатлигини тиклаш, бунинг учун зарур шарт-шароит-

лар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Ушбу ҳужжат барча юртдошларимиз қатори Тошкент вилояти ахли, бу ерда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг

ҳам кўнглини тоғдек кўтарди.

— Меҳр ва эътиборга ташналик — инсон табиғатида хос хислат, — дейди Ҳомид бобо. — Бу ташналик 80, 90, 100 ёшга кирсангиз ҳам тарқ эмас экан. Аксинча, кўрсатилган иззат-икром, эътибордан шодланиб, кайфияту руҳиятингиз кўтарилади, соғлигингиз янада яхшилангандек бўлади. Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган фармони менга ана шундай руҳий тегишлик, куч-ғайрат бағишлади, десам, муболаға бўлмайди.

Бугунги дориламон кунларга етиб келганига шукроналик ҳисси билан яшаётган Ҳомид бобо Йўлчиев хонадонидан қайтар эканмиз, отахон дуога қўл очди: Президентимизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

маъмурияти билан тумандаги 5 та касб-хунар коллежи раҳбарияти ўртасида 60 нафар битирувчининг амалиёт машғулотларини корхонада ўташлари бўйича шартнома имзоланди. Энг муҳими, амалиётни ўтаган ёшларнинг барчаси келгусида корхонада эгаллаган касби бўйича ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Бундан ташқари, айти кунларда яна 40 нафар ёшни ишга қабул қилиш чоралари кўрилмоқда.

— Ўтган йили туманимиздаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича таъминлаб, шу ерда иш бошладим, — дейди корхона ишчиси Ўғилой Деҳқонбоева. — Малакали ходимлардан иш ўргандим, тажриба оширдим. Чунки, бу ерда маҳсулот тайёрлаш жараёни тўлиқ замонавий технологиялар ёрдамида бажарилади. Ҳозир цехимизда ўзим билан тахсил олган яна ўн нафар тенгдошим меҳнат қилмоқда. Корхонамизда ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва муносиб дам олишлари учун зарур бўладиган барча шароитлар яратиб берилган. Корхона ҳисобидан кунига тўрт маҳал иссиқ овқат, саломатлигимизни доимий назорат қилиб бориш учун тиббиёт хизмати ташкил этилган. Шунингдек, ишга келиб-кетилишимиз учун махсус автобуслар ажратилган.

Корхонанинг истиқболдаги режалари катта. Ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш, маркетинг хизматини ривожлантириш ҳисобидан маҳсулот тури ва сифатини ошириш кўзда тутилмоқда. Айти кунда Россия Федерациясининг бир қатор марказий шаҳарларида корхонанинг савдо уйи ва офисларини очиб бўйича тегишли чоралар кўрилатири.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ҲАМ СЕРҲОСИЛ, ҲАМ СЕРТОЛА

Мутахассислар пахта иссиқсавар ўсимлик, дейишади. Ўзанинг кун санаши ҳам илмий даргоҳлардаги бор гап. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг иқлим шароити пахтачилик учун анча қулай, дейиш мумкин.

Изланиш

Бироқ, ёз қилласида ҳароратнинг қирқ даражага етиши ва ундан ҳам ошиши ўзани зарарли эканини олимларнинг ўзлари эътироф этишади. Сабаби, ўзани шу пайтда шигил гуллаб, кўсак туга бошлаган бўлади. Ортиқча ҳарорат таъсирида эса ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади. Демак, Ўзбекистоннинг иссиқига дош бера оладиган ўзани навларини яратиш уруғчилик билан шуғулланувчи олимлар биринчи навбатда эътибор беришлари зарур бўлган вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар биологияси экспериментал биологияси институти лабораториясида Т. Муҳиддинов ва бошқалар томонидан яратилган "Бешқахрамон" ўзани нави айнан бизнинг мамлакатимиз иқлим шароитига мос, дейиш мумкин. Аввало, у эртапишарлиги, серҳосил ва сертоналиги билан кўп йиллардан бери оммавий экиб келинаётган навлардан фарқ қилади. Хусусан, Тошкент вилоятининг кўпгина туманларида ҳар йили етиштирилаётган "Наманган-77" навига нисбатан 6 центнер кўп ҳосил беради.

Муаллифларнинг таърифи қараганда, Сурхондарё вилояти Кумқўрғон тумани "Бешқахрамон" уруғчилик хўжалигида обдон синовдан ўтган мазкур янги нави ўта тезпишарлигидан ташқари турли касалликлар, жумладан вилтъга, маълум даражада сувсизликка ҳам бардошли. Вегетация даври жанубий минтақаларда 98-105, Тошкент вилоятида 109-110 кун. Ҳосилдорлиги ўртача 41-45 центнер. Аммо, 52 центнер ҳосил олган фермер хўжалиги ҳам бор. Навининг яна бир хусусияти — 40-42 фоиз сифатли тола беради.

"Бешқахрамон" жанубий туманларда 25 мартдан 7 апрелгача, Тошкент вилоятида 10-15 апрелда экила, чигит қалин униб чиқиб, текис қўят олинади. Чунки, шу даврда тупроқ ҳарорати 12-15 даража бўлади. Гектарига 50-60 килограмм туқли ва 25-30 килограмм туқсиз чигитни 5 сантиметр чуқурликда экиш энг мақбул меъёри ҳисобланади. Шунингдек, ниҳолларни 1-3 чинбарг чиқарганда яғналаб, гектарига 80-95 минг туп қўчат қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Чиноз тумани марказида хотин-қизларга маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги гўзаллик салони иш бошлади.

— Мақсадимиз туман ахлига беминнат хизмат қилиш, — дейди тадбиркор Шаҳноза Мирсаидова. — Аёлларимиз учун туҳфа сифатида очилган мажмуада усталаримиз миллий ва замонавий услубдаги соч турмаклари ва бошқа пардоз-андоз хизматларини маромига етказиб удалашади. Бундан ташқари, улар шу ернинг ўзида таҳрибали чеварларимиз ёрдамида ўзларининг дидига ва ёшига мос келадиган истаган дизайндаги кўйлақларга буюртма беришлари мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу мажмуада миҳозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Энг муҳими, бу ерда маҳаллий ёшларнинг саккиз нафари доимий иш билан таъминланди.

Нурихон МУҲИДДИНОВА.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида миллий таомлар фестивали ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчи ва ёшлар иштирок этган тадбирда сумалак, кўк сойма, чучвара, ҳалим, қозон кабоб, палов каби таомлар тайёрланди, намойиш этилди. Ҳар бир таом рецепти изоҳлаб берилди.

Ушбу фестивалда қатнашган туманимиз вакиллари — ўқувчиларимиз Заҳро Мамажонова, Сарвиноз Хусанова, Сурайё Эргашева, Лазиза Зайниддинова, Севинч Сиддиқова, Нозима Тоҳирова, Гулчирай Туронова ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш этишиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Насиба БЕГМАТОВА,
Ўрта Чирчиқ тумани "Баркамол авлод" маркази услубчиси.

ТАРБИЯ — КЕЛАЖАК МЕВАСИ

Тошкент давлат аграр университетини қошидаги академик лицейда "Ёшлар тарбияси — порлоқ келажак меvasи" мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда республика Маънавият-тарғибот марказининг вилоят бўлими, прокуратура, ички ишлар идоралари вакиллари, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, академик лицейнинг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳеч қандам кам бўлмаган шароитларда ўсиб-ўлғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун яратиб берилаётган имкониятлар, шунингдек, уларни турли маънавий таҳдидлар, хусусан, "оммавий маданият" таъсиридан ишончли ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу борада ўқув юртлари, ота-оналар ҳамда жамоатчилик олдида турган вазифалар ҳақида маърузалар тингланди ва фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Анжуманда аҳоли ўртасида мутолаа маданиятини шакллантириш, аниққас, ёшларнинг китобга бўлган муносабати ва эътиборини ошириш мавзусида ҳам сўз борди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада катта аҳамиятга эга бўлгани айтиб ўтилди. Ушбу ҳужжатда белгиланган берилган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланган олинди.

Тадбир доирасида "Ўздавкитобсавдотаминоти" корхонаси томонидан "Китобим — қалбимдаги офтобим", деб номланган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-баддий, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган китоблар савдоси ва кўргазмасининг ташкил этилганлиги унга алоҳида файз бағишлади.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА,
Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

ПИСКЕНТ МАҲСУЛОТЛАРИ РОССИЯ БОЗОРИДА

Тумандаги "Azalea Garment" масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда турли ёшдагилар учун 80 дан ортиқ турдаги кийим-бошлар тайёрланмоқда. Муҳими, корхона маҳсулотлари ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топиб улгурган.

◻ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Корхона ташкил этилган 2013 йилда 470 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 610 минг АҚШ долларидан ошди. 2017 йилнинг биринчи чорагида хорижа жўнатилган маҳсулотлар ҳажми салкам 200 минг долларни ташкил этмоқда. Йил якунига қадар экспорт ҳажми 800,0 минг АҚШ долларига етказилиши режалаштирилмоқда.

Сифатли маҳсулотга истаган бозорда харидор топилади, деганларидек, 2015-2016 йиллар мобайнида корхона жамоаси истеъмолчиларга қарийб 1 миллиард 560 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб берди. Шу ўринда, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Халқаро бозор талабларига тўла жавоб бера оладиган маҳсулотлар 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

— Президентимизнинг 2016

йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривожини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди, — дейди мазкур корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш ва маркетинг хизмати бўйича ўринбосари Зоҳиджон Наҳмиддинов. — Ушбу ҳужжатда республикамизда маҳаллий хом ашёдан юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш объектлари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш бўйича жуда муҳим йўналишлар белгиланган бўлди. Биз ҳам яратиб берилаётган бундай имкониятлардан фойдаланиб, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштираямиз.

Албатта, шиддат билан ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида тайёрланаётган маҳсулотни хари-

дорга манзур қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига истеъмолчининг талаби, диди ҳам ўсиб бормоқда. Қолаверса, қайси соҳа бўлмасин, унинг истиқболлини замонавий технологиялар, юқори ўнумли ускуналарсиз тасаввур этиш қийин. Корхонада масаланинг ана шу каби барча жараёнлари алоҳида эътиборга олинган. Ишлаб чиқариш участкалари Япониянинг етакчи "JUKI" компаниясининг қиймати қарийб 500 минг АҚШ долларилик сўнгги русумдаги тикув-бичув машиналари билан жиҳозланган. Бундай замонавий технологияга асосланган машиналарни маҳаллий ёшларнинг маҳорат билан бошқараётганини кўрганингизда фахрланиб кетасан киши.

Ҳозир корхонада 220 дан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар учинчиси ҳудуддаги касб-хунар коллежлари битирувчиси экани эътиборга лойиқ. Яна бир гап. Жорий йилда корхона

Реклама ва эълонлар

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2017 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги авто-

транспорт воситалари такронан қўйилмоқда: Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ТВХСнинг 25.11.2013 йилдаги № 11-1332/5264 - сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сакланаётган 2000 й. и.ч./, "ГАЗ3102" давлат рақами 10 140 ААА. Бошлангич баҳоси - 14 759 334 сўм.

Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ТВХСнинг 17.12.2015 йилдаги № 1506/15640, 26.02.2016 йилдаги № 11-1632/7570, 05.03.2016 йилдаги № 1602/1262, 18.04.2016 йилдаги 11-1632/3172 - сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 879 ААА бўлган "УАЗ 452Д" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 7 812 450 сўм. 2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 875 ААА бўлган "ГАЗ 5201" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 10 465 200 сўм. 3. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 865 ААА бўлган "ГАЗ 53А46" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 14 193 630 сўм. 4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 315 ААА бўлган "Днепр11" русумли мотоцикл. Бошлангич баҳоси - 2 308 140 сўм. 5. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 876 ААА бўлган "КамАЗ 5410" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 766 210 сўм.

"Best realtor" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Оққўрғон тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 03.01.2017 йилдаги № 11-1605/17752-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Best realtor" МЧЖнинг очик аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Олимпент кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 127-уйда жойлашган, "Олимпент булоғи" МЧЖга тегишли, умумий эгаллаб турган майдони 400,56 кв.м., қурилиш ости майдони 379,16 кв.м. бўлган 16 хонадан

иборат бино-иншоотлар ва Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Олимпент кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 125-уйда жойлашган, "Акмал" ХФга тегишли, умумий эгаллаб турган майдони 1714,03 кв.м., қурилиш ости ер майдони 949,47 кв.м., 0,49 га ер майдонида жойлашган, 26 хонадан иборат бино-иншоотларнинг савдоси Оққўрғон тумани СИБ-нинг 24.03.2017 йилдаги 1/12-сонли хати ва 24.03.2017 йилдаги ижро ҳаракатларини тўхтатиб туриш

тўғрисидаги қарорига асосан вақтинча тўхтатилган эди. Ҳозирги кунда ижро ҳаракатлари давом эттирилаётганлиги сабабли юқоридagi қўмас мулклар бўйича аукцион савдолари 2017 йил 3 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилишини маълум қиламиз. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн

Юқоридagi авто-транспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 2 май кундаги аукцион савдоси учун 2017 йил 28 апрель куни соат 16.00 гача, 2017 йил 3 май кундаги аукцион савдоси учун 2017 йил 1 май куни соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар авто-транспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир авто-транспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қўлиби сотиб олган авто-транспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44. (97) 764-81-86. Гувоҳнома № 004593.

Тузатиш

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 8 апрель кундаги 29 (12977) сониде "AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ томонидан чоп этилган эълоннинг:

"Аукцион савдоси 24 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади; Аукцион савдоси 13 май куни соат 11.00 да ўтказилади; 2017 йил 24 апрель куни ўтказиладиган савдоларга 2017 йил 21 апрель соат 16.00 гача; 2017 йил 13 май куни ўтказиладиган савдоларга 2017 йил 11 май соат 16.00 гача" деган қисмлари кейинги ўринлариде: "Аукцион савдоси 26 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади; Аукцион савдоси 15 май куни соат 11.00 да ўтказилади; 2017 йил 26 апрель куни ўтказиладиган савдоларга 2017 йил 24 апрель соат 16.00 гача; 2017 йил 15 май куни ўтказиладиган савдоларга 2017 йил 12 май соат 16.00 гача", деб ўқилсин. Эълоннинг бошқа қисмлари ўзгартаришсиз қолдирилди.

ВАТАН БЎЛМАС ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА

□ Ҳаёт манзаралари

Озод юрт, фаровон ҳаёт, мустақил Ватан!

Одамларнинг барҳаётлиги, имону эътиқоди, яшаш-дан мақсади шу ибораларда мужассам. Зеро, Ватанини, элу юртини севган, киндик қони томган диёрини бир умр эъзозлаб яшаган одам борки, бахтлидир. Субҳидан кўз очганидан Ватанини, ола заминини қадрлаб, эртанги кунига умид билан қарайдиган киши борки, бахтлидир. Нияти соф, эътиқоди пок, орзуси тинчлик бўлган, "халқим!" деганида юраги гупурайдиган одам чин ватанларвар, ҳақиқий фидойидир. Она юртни ардоқлайдиганлар, Ватанини қадрлаб, истиклолни авайлаб-асрайди-ганлар шулар.

Қишлоқ хонадонларидан беридаги тўйда уй тўла меҳмонлар билан гурунглашди. Таниш-нотаниш одамлар сўхбати Ватан мустақиллигию юрт тинчлигига тақалди. Бир пайтлар олисдаги ўқишни афзал билиб, Санкт-

Петербург шахрига борганман, — деди бир йигит. — Ҳашаматли шаҳар... Бутунлай бошқа дунё, ўзга одамлар... Дастлабки кунлари атрофга завқ билан боқиб, шаҳарни зерикмай томоша қилдим. Аммо орадан кўп ўтмай, кўнглим ғаш тортиб, ҳаммаси меъдамга тегди. Ота-онам, жигарбандларим, кишлоғимиз манзаралари кўз олдимдан ўта бошлади. Юрагим қаттиқ сиқилган пайтларда дарсга кирамай, бемақсад кезинардим. Бирор зарурат билан келган ола дўппилик одамга кўзим тушиб қолса, қувониб кетардим. Бу юрт меҳри, Ватан соғинчи эканини билардим. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, мусофирчилик нималигини туғилиб ўсган Ватан соғинчи, эл-юрт меҳри нақадар кучли эканини ўшанда тушунганман. Хориждан қайтиб, самолёт она заминга қўнаётганида юрагим қасас-даги қўшдек потирлаб, вужудимда кучли энтиктиш туй-



ганимни ҳали-ҳануз унутмайман...

Қаранг, аксарият одам Ватанини муқаддас саждагоҳ билиб, тупроғини кўзлари-га тўтиб қилишга ошиқса-ю, ота-онасига қўл кўтарган оқладару яқинларига ёвузлик истаган биродарқушлар киндик қони томган юртга тош отиб, бегона жойларда сангиса... Бундай кимсаларнинг, пешонасига тубанликда яшашдек даҳшатли жазо муҳрланган. Бунга мисоллар кўп.

Кўшни кишлоқлик бир оғайнимнинг қўлида гулдек хунари бўлиб, рўзғорини бинойидек тебратиб юрарди. Бир кун хорижга жўнай-

диган бўлганини эшитиб, бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим:

— Дўстим, чет элга кетмоқчи эмишсан, тинчликми?

— Ҳа, у ёқларда пул топиш осон дейди, ёшлиқда ҳаракат қилиб қолайлик-да!

— Қари ота-онанг бор, уларнинг тақдирини не кечади?

— Уларни ҳам олиб кетаман.

— Ватанин-чи, киндик қонинг томган тупроқини-чи?

— Дедим унинг бепарво жавобидан асабийлашиб.

— Э-э, оғайни, қизиқ экансан-ку. Қаерда қорнинг тўқ, устинг бут, яшаш учун бошпананг бўлса, ўша ер Ватан-да!..

Унинг бу жавобидан ор-

тиқча гапга ўрин қолмаганини англаб ўрнимдан турдим. Орадан кўп ўтмай оғайнимнинг бир ўзи хорижга ишга кетганини эшитдим. Аммо орадан олти-етти ой ўтиб, ўтмай уни тасодифан йўлда учратиб қолдим.

— Ҳа, оғайни, ишлар дурусти?

— Раҳмат.

— Қачон келдинг?

— Икки ҳафтадан ошди.

— Энди бормайсанми, иш-қилиб?

— Йўқ, оғайни, бормайман.

— Яхши қиласан, чол-кам-пир яхши юришибдим?

— Раҳмат оғайни. Ўшанда мени гафлат босган экан, — деди у чуқур сўлиш олиб.

— Киши мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди, деганлари рост экан. Юрт қадри ундан йироқлашганда билинаркан. Катта маош тўлайди, деб хорижга бошлаб борган одам бизни қўл қилиб сотиб юборган экан...

— Катта маош қаёқда... Зўравонлардан паспортимни ҳам ололмай, қочиб қутулдим. Яхшиямки, уйни сотиб, қўчиб кетишимга отам кўнмаган экан...

— Жамолддин АБДИЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Шеър дostonлари билан китоб-хонларга яхши таниш Ашуралӣ Боймуроднинг "Онагиним" (Тошкент. "Мумтоз сўз". 2016) номли шеърӣ романи шоир ижодида янгилик бўлибди. Шоир ўзи гувоҳ бўлган ҳаётӣ воқеаларни шеърӣ бўёқларда чизади.

□ Китоб жавонингизга

Романнинг бош қаҳрамони — шўролар тузуми азобларини тортган ўзбек аёли. Айтиш мумкинки, асар — ўзбек аёлига қасида. Адабиётимизда аёлларга бағишланган асарлар кўп, бироқ Ашуралӣнинг шеърӣ романидаги каби тоталитар тузум даврида оғир меҳнатдан эзилган, оиласи, фарзандлари бахти учун фароғатдан воз кечган аёл образи яратилган асарлар кам. Ҳомилалар бўлса-да, қанор-қанор пахта терган, оиласининг ғамини еган, бола-чакам, деб эрта тонгдан қаро кечгача тинмаган ўзбек аёлининг қисмати тасвирланган. Далада иш, уйда иш, қай-нонанинг хизмати, ишдан қора мойга ботиб келадиган эрнинг дағдағаси. Шунда ҳам ўзбек аёли:

Тик боқолмас эрига асло,
Аёл ишга шўнғиб кетади,
Ишлар ётар қалашиб, аммо
Барчасига фурсат етади.
Ҳаёт шундай ўтарди тақдор,
Чарчаш нима билмасди зинҳор.
Кўёш тинар у тиним билмас,
Дунё кулар, у эса кулмас.


Шеърӣ романдаги кўпгина образлар ҳам ўзига хос тиник рангларда чизилди. Қишлоқ виждони — Анор мома. Ёшлиғида бева қолиб, икки ўғилни вояга етказган, иккиси ҳам урушга кетиб, ҳалок бўлган, не-не кўргиликлари бошидан кечирган мома образи кўйидаги икки сатрда яхши очилган:

Ноҳақликдан бешиб яшади,
Елгонларни эзиб яшади.

Оқил мома, Анор мома каби халқ фикрини ёвочи момолар асар самиятини оширган. Шунингдек, Шоди тажарр каби раислар образи орқали ҳукуматнинг қули, ҳар бир нарсани ўз қарчи билан ўлчайдиган, тўғри сўзни ҳам "Ҳукуматга қарши ... жанг" деб қабул қиладиган раҳбарларнинг нуноқлигини кўрсатган.

Шоир вазиятдан келиб чиқиб она тилидан, гоҳида эса бола — Асилжон тилидан ҳаёт ҳақидаги ўй-мушоҳадаларини баён этади. Бу эса асарнинг фалсафий юқини ошириб, ранг-барангликни кучайтирган:

Дунё асли бозорга ўхшар,
Кимнинг моли ўтар ё ўтмас,



Чув тушганча, кимлардир қақшар,
Кимларгадир олғирлик чўтмас.

Ёки:

Ҳамма нарса ўзгарар экан,
Лек, ўзгармас она сиймоси,
Уй-жойини ватаним деган,
Болалари — унинг дунёси.

Она шароит қанчалар оғир бўлишига қарамай, боласи Асилжонни ўқимишли, маърифатли бўлишга ундайди. "Рўзғор оғир, ёнимда туриб ишла, пул топ", демайди. Бу ўзбек аёлининг маънавиятини кўрсатувчи ҳолатдир.

"Ашуралӣ Боймурод мустақил Ўзбекистонни мушфиқ, меҳрибон она тимсолида талкин қилади. Фикран ўтмишга, шўро даври воқелигига муурожаат қилади. Аёллар кечмишидан лавҳалар яратишга интилади. Ўзбек аёлининг кечмиши қачонки билан бугунги ҳаёт саҳифаларини қиёсан жонлаштиришга жазм этади", — дея ёзади профессор Нўмонжон Раҳимжонов шеърӣ романига сўзбо-шида. Дарҳақиқат, шўро тузумининг ҳўрликларига чидалмаган аёлларнинг ўзига ўт қўйиши жуда таъсирли баёт этилади:

Яшолмади тугунни ечиб,
Пайдо бўлди сўнгра мудҳиш ҳол,
Бугун қирқта жонидан кечиб,
Ўт қўйганди ўзига аёл...

Муаллифнинг ўзи таъкидлагандек, асарда онаси тимсолини тасвирламоқчи бўлган. Шу орқали ўша даврда қишлоқда яшаган ўзбек аёллари образини яратишга интилган ва бунинг урдасидан чиққан. Шеърӣ роман энгил ўқилиши билан "обод-ликнинг савоби бор, ёмонликнинг жавоби бор" каби мағзи тўқ мисолларга бойлиги билан ажралиб туради. Асар китобхонга, айниқса, ёшларга эстетик завқ бериши билан аҳамиятлидир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТошДШИ доценти.

КЎЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...

Кўклам кунларида танамизда дармондориларга эҳтиёж ортади. Кўплар ҳар хил кўклатлар билан бирга кўзиқоринлардан ҳам турли ёгуликлар тайёрлаб, истеъмол қилади. Лекин, бу пайтда гоят эҳтиёткор бўлиш зарур. Чунки кўзиқоринлардан билиб-билмай фойдаланиш аянлик оқибатларга олиб келиши мумкин.

□ Мутахассис маслаҳати

Баҳор ойларида ёгингарчиликнинг мўлғили ва бирдан кўёш қарақлаб кишиши туфайли ёввойи кўзиқоринларнинг тез ушиб чиқишига қулай шароит вужудга келади. Улар дала-боғлар, хиёбонлар, ариқ ва сой бўйларидан, шунингдек, одамларнинг ҳовилиларидан кўпгаб учрайди. Кўзиқоринларнинг истеъмолга яроқлисини заҳарли турларидан ажратиш олиш қийин. Аниқ билмай туриб, улардан консервалар ва ҳар хил таомлар тайёрлаш, уларни истеъмол қилиш ўта хавфли эканлигини ҳамиша ёдда сақлаш лозим.

Вилоятимизнинг айрим ҳудудларида, жумладан, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Бекобод, Оҳангарон, Қўйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Паркент туманларида учрайдиган замбуруғларнинг аксарияти заҳарли ҳисобланади. Айримлари истеъмол қилинадиган кўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Уларни фақат мутахассисларгина фарқлай олади. "оқ паганка", "мухомор", "сарик тана", "сережка", "шампиньон", "шайтонча" каби кўзиқорин турлари маълум шароитларда заҳарли хусусиятларга эга бўлади. Улар ошқозон-ичак йўлидан қонга сўрилиб, асаб тизими, юрак қон-томир, буйрак, бош миёя тўқималарини жиддий шикастлайди.

Айниқса, кексалар ва болаларда заҳарланиш ҳолати ўткир бошланиб, оғир асоратларга олиб келади. Заҳарланиш белгилари 3-5 соатдан 20-24 соатгача яширин даврга эга ва шунинг учун бирдан ташхис қўйиш осон эмас. Касалликда қорин қаттиқ оғриги, кўнғил айнаishi, қайт қилиш, титроқ, бош айланиши каби аломатлар кузатилади. Бундай белгилар кўзга ташланганда зудлик билан шифокорга муурожаат этиш зарур. Акс ҳолда беморнинг аҳоли янада ёмонлашиб, заҳарланиш ҳатто инсон умрига зомин бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун кўзиқоринлардан таом тайёрлашда гоят эҳтиёт бўлиш зарур.

Абдурахмон ИСМАИЛОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази оқватланиш гигиенаси бўлини маси мудири,
тиббёт фанлари номзоди.

Тарбия оиладан бошланади

Яқинда газеталардан берида чоп этилган мақолага кўзим тушди. Ундаги "Қумри онанинг маслаҳати" руқнида 19 ёшли бир келинчакнинг ота-онасининг раъйига қараб турмуш қургани, икки ёшли қизчаси ҳам борлиги ҳақида ёзилган экан. Аммо, кейинчалик, уйланимаган бир йигит билан телефонда гаплашиш баҳонасида уни "севиб" қолган эмиш.

Камида 3-4 йил бирга яшаб, кейин эрини севмаслигини билиб қолган келинчақда ҳаё, ор-номус борми, қолаверса, мурғак гўдақда, қизалоқда нима айб, деган савол шуурингизни қамраб олади. Демак, оилага муносабат ота-онасида ҳам ҳаминқадар бўлган экан-да, деган мулоҳазага боради, киши. Ёшгина келинчакнинг ҳаёт, турмуш, оила ҳақидаги ўй-аёллари шу даражада саёз бўлишига ким айбдор?! Албатта, "ота-она, у ўсиб-ўлғайган оила" деб жавоб берган бўлардик. Чунки, ўқитувчи сифатида биз, айниқса, қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратамиз, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказамиз,

даврга суҳбатларини уюштирамиз. Аммо, ниҳол илдииздан нотўғри, қийишқ ўсса, уни тўғирлаш қийин бўлади. Зеро, оила ибратини ҳеч нарс билан алмаштириб бўлмайди.

Тўғрисини айтсам, баъзан "ўқитувчиларга ҳам осон эмас", деган сўзлар тилимда айланаваради. Нега десангиз, кўча-қўйда, автобусларда ҳаддан ташқари очик-сочик қийинган, чаппал ташланган бўёқлардан юзи кўринмай қолган, сочлари ёйилган аёллар

ҳам кимнингдир онаси-ку?! Шундайларнинг қизларини ўқитаётган ўқитувчиларга осонми? Агар бирор танбёх берсангиз, "Нима кипти, ҳозир ҳамма кияди-ку, замондан ортда қолганмисиз?" деб турса, нима деб жавоб берган бўлардингиз?!

Баъзан "Мен уйда қизимнинг қўлини совуқ сувга ҳам урдирмайман, нега сиз пол ювдирасиз?" дейдиган оналар ҳам учраб туради. Бундайларнинг эркатой қизлари келин бўлиб нима каромат кўрсатади?!

Хуллас, "Қуш уясида кўрганини қилади", "Нима эксанг шуни ўрасан" каби ҳикматли сўзларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етсак, келажак авлод тарбиясида хатога йўл қўймаган бўламиз.

ЎзИНА БЕКМУРАТОВА,
Чирчиқ шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Спорт хабарлари

ПОЛВОНЛАР МИРЗОҲИДГА ТАН БЕРДИ

Туркияда Халқаро дзюдо федерацияси мусобақалари тақвимида киритилган Гран-при турнирида Мирзоҳид Фармонов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.



мағлубиятга учратди.

Мирзоҳид Фармонов олтин медаль учун ўтказилган финал беллашувида туркиялик Ҳасан Ванлиўғли устидан соф ғалабага эришди.

— Мусобақадаги барча рақибларим кучли ва тажрибали эди, — дейди Мирзоҳид полвон. — Бироқ мен фақат ғалаба учун татаммига чиқдим. Ниятига етиб, терма жамоамиз ҳисобига олтин медаль келтирганимдан мамнунман. Бўлажак мусобақаларда ҳам мухлисларимизни ҳушнуд этишга ҳаракат қиламан.

Мирзоҳиднинг олтин медали Ўзбекистон эркаклар терма жамоасини умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олишини таъминлади.

«ОЛМАЛИҚ» ЧЕМПИОНЛИК УНВОНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

Футзал бўйича "Олмалиқ" жамоаси кетма-кет учинчи маротаба Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритишга яқин турибди.

Икки йилдан буён олтин медалларни ўзини қилиб келадиган "Олмалиқ" вакиллари XXI Ўзбекистон чемпионатининг ярим финал босқичидан муваффақиятли ўтди. Бу гал финал йўлланмаси учун курашда олмалиқликлар жиддий рақиб — Тошкентнинг "Бунёдор" жамоасини ортда қолдирди.

Қоидага кўра, ярим

финал ўйинлари бир жамоанинг икки ғалабасига ҳам давом этди. Пойтахтдаги "Ўзбекистон" спорт мажмусида бўлиб ўтган ўйинларнинг дастлабкисида олмалиқликлар Жамолдин Шарипов ва Жавлон Аноровнинг голлари эвазига "Бунёдор"ни 2:1 ҳисобида таслим қилди.

Иккинчи учрашувда "Бунёдор" вилоятимиз

футзалчиларига умуман қаршилиқ кўрсатолмади. Хужумкор ўйин кўрсатган "Олмалиқ"

аъзолиридан Фарҳод Абдумавлонов учта, Артур Юнусов иккита, Сирожиддин Маҳмудов,

Жавлон Аноров, Жамолдин Шарипов биттадан гол уриб, жамоамизнинг 8:2 ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

Икки ўйин натижасига кўра, "Бунёдор"дан 10:3 ҳисобида устун келган "Олмалиқ" финалда пойтахтнинг энг кучли жамоаси — "Ардуз" билан куч синашадиган бўлди.

"Олмалиқ" яқинда Ўзбекистон кубоги финалида "Ардуз"ни 3:2 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритган эди.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ФУТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадионида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги республика турнирининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" кубоги республика турнири ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўрта-сида футболни оммалаш-

тириш, болалар, ўсмирлар ва ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш мақсадида мунтазам ўтказиб келинмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказган мусобақада саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган

энг кучли жамоалар финал ўйинларида ўзаро куч синашди.

Биринчи ўрин учун ўтказилган баҳсда Юқори Чирчиқ туманининг ёш футболчилари бўқалик тенгқурларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиш, вилоят босқичи ғолиби бўлди. Бўқалик ёшлар иккинчи ўринни эгаллади.

Учинчи ўрин учун ўтказилган ўйинда Оҳангарон футболчилари оққўрғонлик рақобатчиларини 3:2 ҳисобида енгиб.

"Камолот" кубоги турнирининг Республика босқичига Жиззах вилояти мезбонлиги қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ҒОЛИБ ЖАМОА — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА

Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Унда Фазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт, Солиқдаги туризм ва сервис, Бўстонлиқ қурилиш ва уй-хўй коммунал хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва энергетика, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик ҳамда Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежларининг жамоалари ўзаро беллашди.

Мусобақада энг юқори балл тўплаган Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи жамоаси 1-ўринни эгаллади ҳамда беллашувининг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ғолибларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг дипломи ва эс-далиқ совғалари топширилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маъиялими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ Назоратчи мусоҳиҳ Қумуш ЭТАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.	Буюртма S-8762.	Адади 13 405.	Баҳоси келишилган нархда	Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсатиши — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.30.					